

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2023-yil 28-sentabr, payshanba

№ 40 (9256)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

МАХАЛЛА ТИЗИМИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 сентябрь куни маҳаллабай ишлаш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда барча ижтимоий-иқтисодий дастурлар аҳоли талабидан келиб чиқиб, жойларда амалга оширилмоқда. Бунинг учун маҳаллаларга кўплаб ваколатлар, ташкилий ва молиявий имкониятлар берилди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторидан иборат "бешлик тизими" ташкил этилди.

Лекин уларнинг ўзаро мувофиқ ишлашида камчиликлар, жуда кўп тақорланишлар бор. Ижтимоий мақсаддаги маблағлар баъзан самарасиз йўналтириляпти. Эҳтиёжманд аҳолининг масаласини ҳал қилиш вилоят ва республика идорасига боғланиб қолган. Маҳалла ходимлари фаолиятини баҳолаш мезони йўқ. Уларнинг кўп вақти "қоғоз тўлдириш" ва мажлисларга кетаяпти.

Йиғилишда шу каби камчиликлар таҳлил қилиниб, тизимни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича янги ёндашувлар белгиланди.

Унга кўра, энди маҳалла бошқарувиغا солиқчи ва ижтимоий хизмат ходими ҳам қўшилиб, "маҳалла еттилик" бўлади.

Эҳтиёжманд аҳолини рўйхатга киритиш, моддий ёрдам, субсидия ва

кредит ажратиш каби 70 дан ортиқ масалалар, туман ва вилоят идораларига чиқмасдан, маҳалланинг ўзида жамоавий ҳал қилинади. Шунингдек, Бандлик, Тадбиркорлик ва Қасаначилик жамғармалари маблағлари ҳар бир маҳаллага тақсимлаб берилди.

Маҳаллада қулай ва электрон иш юритиш йўлга қўйилади. Амалдаги учта платформа – "Онлайн маҳалла", "Хотин-қизлар", "Ёшлар портали" ўзаро интеграция қилиниб, ягона тизимда мужассамлаштирилади.

"Маҳалла еттилик" ишини мувофиқлаштиришда маҳалла раисларининг ваколатлари кенгайтирилади. Жумладан, улар ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, солиқчи ва ижтимоий ходимни рағбатлантириш ёки интизомий жазо қўллаш бўйича тақдимнома киритиш ваколатига эга бўлади.

Шулардан келиб чиқиб, мутасаддиларга "маҳалла еттилик"нинг вазифаларини аниқ белгилаш ва фаолиятини тўғри йўналтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Ижтимоий лойиҳаларга илмий ва нодавлат ташкилотларни ҳам жалб қилиш муҳимлиги айтилди.

Йиғилишда маҳалла тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий чоралари

ҳам белгиланди. Хусусан, маҳаллаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича республика, вилоят ва туман (шаҳар) кенгашлари жорий этилади. Республика кенгашига – Бош вазир, ҳудудий кенгашларга эса ҳокимлар раҳбарлик қилади. Кенгашлар "маҳалла еттилик" қўйган масалаларга ечим топади, молиявий манбаларини ҳал қилиб беради.

Масъулларга муҳокамада билдирилган барча тақлифларни инобатга олган ҳолда, соҳанинг ташкилий тузилмаси, ваколатлари ва молиялаштириш манбалари кўрсатилган ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди.

– Биз фаолиятимизнинг биринчи кунларидан ҳамма ишни маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилиб келаямиз. Бу тизимни босқичма-босқич ривожлантирдик. Энди яна қўшимча куч, имкониятлар берилаяпти. Бу ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар – давлатимизнинг энг катта замини, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилиш сўнгида вазирлар ва ҳокимлар, жойлардан маҳалла раислари ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ва янги топшириқлардан келиб чиқиб келгусида иш режалари бўйича ахборот берди.

ЎЗА

ФАРҒОНАДА ЭЛЕКТРОБУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ


Хитойнинг "Dongfeng motor" автоконцерни Фарғонада электробуслар ишлаб чиқариш бўйича қиймати 100 миллион доллар бўлган инвестицион лойиҳани амалга оширишга киришмоқда.

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров "Dongfeng motor" автоконцерни бошқарув вакили Ся Тонг Юанни қабул қилди. Учрашувда "Dongfeng motor" компанияси томонидан вилоятимизда амалга оширишга киришилаётган қиймати 100 миллион доллар бўлган, шу жумладан, биринчи босқичда 45 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция йўналтириладиган "Dongfeng" электробусларини ишлаб чиқариш лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мазкур корхона Фурқат тумани ҳудудига жойлаштирилмоқда. Вилоят ҳокими бошчилигидаги Фарғона вилояти делегациясининг яқинда Хитойга амалий ташрифи давомида вилоят раҳбари ушбу компаниянинг ишлаб чиқариш мажмуасида бўлиб, электробуслар ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишгани ҳамда вилоятда электробуслар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича инвестицион келишув имзоланган эди.

"Dongfeng Special vehicle" масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси вилоятда давлат рўйхатидан ўтказилди ҳамда янги корхона гувоҳномаси вилоят ҳокими томонидан Ся Тонг Юанга топширилди.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.



УЛУҒБЕК РАШИДОВ – ОСИЁ ЎЙИНИЛАРИ ЧЕМПИОНИ

Таэквондочилар битта олтин ва битта кумуш медали қўлга киритишди. Ўзбекистон ҳисобидаги олтин медаллар сони 6 тага етди.

Осиё ўйинларида -68 кг. вазн тоифасида иштирок этган таэквондочи Улуғбек Рашидов Ўзбекистон жамоасига навбатдаги олтин медали тақдим этди. У турнирда иштирокини ҳонконглик Ло Вай Фунгни 14:1, 16:4 ҳисобларида таслим этиш билан бошлади. Чорак финалда Тайбэй вакили Йи Жуи Чиуга қарши баҳода 13:0, 17:4 ҳисобларида мағлуб этди. Ярим финалда таэквондо ватани ҳисобланган ва турнирда ҳам энг кўп медаллар жамғараётган Жанубий Корея жамоаси вакили Жин Хожун устидан 16:9, 16:7 ҳисобларида ғалаба қозонди.

Финалда эса иорданиялик Абдулкарим Заидга ҳеч қандай имконият қолдирмади - 14:6, 13:9.

Шу кунги таэквондо бўйича баҳсларда Ўзбекистон жамоасининг яна бир вакили Феруза Содиқова ҳам финалга чиққанди. -67 кг вазн тоифасидаги баҳсларда қатнашган ушбу спортчи ўз йўлида таиландлик Тонгчан Сасикарн (5:4, 11:10), қозғистонлик Нурай Хуссайнова (6:8, 10:1, 7:2) ва эронлик Мелика Мирҳоссаинини (2:3, 13:10, 18:6) каби рақибларни мағлуб этди. Аммо финалда хитойлик Сонг Жиега ютқазиб қўйди - 0:2, 3:9. Шу тариқа, Ўзбекистон жамоаси ҳисобидаги олтин медаллар сони 6 тага, кумушлар сони 8 тага етди.

Rank	Team/NOC				Total	Rank by Total
1	People's Republic of China	70	39	17	126	1
2	Republic of Korea	16	18	27	61	2
3	Japan	13	25	21	57	3
4	Uzbekistan	6	8	11	25	4
5	Hong Kong, China	5	7	13	25	4
6	India	5	7	10	22	6
7	Thailand	5	2	8	15	7
8	Indonesia	3	2	6	11	9
9	Singapore	2	3	4	9	11
10	Chinese Taipei	2	3	3	8	12
11	Islamic Republic of Iran	1	5	8	14	8
12	Kazakhstan	1	2	8	11	9
13	Malaysia	1	2	4	7	14



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ПЕДАГОГ МАҚОМИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Бизга ҳақ-ҳуқуқимизни ўргатган ўқитувчиларимизнинг ҳуқуқлари қай даражада ҳимоя қилинётганини, бу қайси ҳужжатларда мустаҳкамланганини билиш айниқса, бугунги кунда жиддий заруриятга айланди.

Чунки бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилмайдиганлар, ўқитувчининг қадрини англамайдиганлар охириги пайтларда кўпайиб кетаяпти. Мамлакатимизда ўқитувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бир қатор қонун ҳужжатлари билан ҳимояланган. Хусусан, жорий йилнинг биринчи майидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституциясида ўқитувчи мақомининг юксаклиги ва унинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани мустаҳкамланди. Ҳўш, нима учун ўқитувчи мақоми Конституция даражасида белгиланди? Сабаби шунки, ўқитувчининг ҳурматини Асосий қонун даражасида мустаҳкамлаш инсон ҳурмати, инсон қадри масаласи билан боғлиқ. Таълим сифати ва са-

марадорлигини кенг ҳамда замонавий билимларга эга ўқитувчисиз таъминлашнинг иложи йўқ. Шу сабабли ўқитувчининг ижтимоий ва моддий фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш зарур.

Шу йилнинг биринчи август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси иккинчи ўқишда қабул қилиб, Олий Мажлис Сенатига юборган "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги Қонун лойиҳасида ҳам педагог-ўқитувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинган. Ушбу қонун лойиҳасида педагог тушунчаси, педагогнинг мақоми, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда педагогик фаолиятининг асосий кафолатлари белгиланган.

(Давоми 2-саҳифада)

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ҲАР БИР МУРОЖААТ НАЗОРАТДА

Кейинги йилларда идоралар масъулларининг одамлар ҳузурига, чекка қишлоқ, маҳаллаларга, хонадонларга бориб, аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилишининг йўлга қўйилгани кўплаб муаммоларга барҳам бермоқда.

Ўтган давр мобайнида Халқ қабулхонаси фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш имконини берадиган, барча даражадаги идоралар, ҳокимликлар билан аҳоли ўртасидаги кўприкка, ўзаро мулоқотнинг самарали механизмига айланди. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналарга фуқаролардан келиб тушаётган муурожаатлар уларнинг ҳаёт тарзи, эҳтиёжлари ва жойлардаги муаммоларни ҳал қилишда муҳим роля ўйнамоқда. Жумладан, туманимизда, жорий йилнинг ўтган даврида қарийиб 4 ярим мингта муурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг салкам 3 яримтаси

ижобий ҳал этилди. Халқ қабулхонаси билан келишган ва тасдиқланган режа-жадвалларга асосан сектор раҳбарлари томонидан жами 144 маротаба сайёр қабуллар ўтказилди. Уларда 615 та турли масалаларда муурожаат ва муаммолар кўтарилиб, шундан 511 таси қаноатлантирилди. Жумладан, 3-сектор ҳудудидаги Қоратери маҳалласида яшовчи фуқаро Х.Гнинг 3 нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент пулларини ундириб берилшини сўраб қилган муурожаати ижобий ҳал этилди. Уч миллион сўмдан ортиқ алимент пуллари Халқ қабулхона-

сининг аралашуви билан ундирилди. Шунингдек, 4-сектор ҳудудидаги "Шўрариқ" МФЙда яшовчи фуқаро М.Рнинг бир марталик моддий ёрдам олиш масаласида қилган муурожаати ҳам ижобий ҳал қилиниб, 2 миллион сўм – бир марталик моддий ёрдам берилди.

Албатта, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Сирасини айтганда, йўлланаётган ҳар бир муурожаат қатъий назоратда.

Ғ.ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Норин туманидаги
Халқ қабулхонаси мутахассиси.

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.

Ш. МИРЗИЁЕВ.

КРОТАЛАРИЯ – МЎЪЖИЗАВИЙ ЭКИН

Кейинги йилларда ерлардан деҳқончилик мақсадида фойдаланиш орқали турли хил муаммолар келиб чиқмоқда, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, унумдорлиги йилдан йилга пасайиб бормоқда.

Ушбу ҳолатни яхшилаш учун қишлоқ хўжалиги экинлари қаторига тупроқ деградациясини ва шўрланишни камайтирадиган, тупроқ унумдорлигини тиклайдиган, чорвачиликда қўшимча даромад манбаи бўла оладиган дуккакли экин тури бўлган кўк ўғит, ем-хашак, тола, дори-дармон сифатида фойдаланиладиган ноанъанавий кроталария (Crotalaria juncea L.) ўсимлигини киритиш ҳамда

етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги "Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан озуқабоп экинларнинг янги навлари ва дурагайларини яратиш, уларнинг агротехнологияларини такомиллаштириш, бирламчи уруғчилик

ишларини олиб бориш, тупроқ таркибини яхшиловчи кучсиз ва ўрта даражада шўрланган тупроқ шароитларига мос оқори оқсилли ва ноанъанавий озуқабоп экинларни иқлимлаштириш, селекция ва уруғчилик ишларини олиб бориш каби қатор вазифалар белгилаб қўйилган. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикасига амалга оширган ташрифи давомида

Орол муаммосининг салбий таъсири-ни юмшатиш, Орол бўйи тупроқ-иқлим шароитига мослаштирилган ўсимликлар майдонларини кенгайтириш, ҳудудда ердан фойдаланиш унумдорлигини ошириш, сув тежовчи ҳамда тузни камайтирадиган технологияларни жорий қилиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Кроталария ўсимлиги толаси каноп толаси сингари арқон, ип ва балиқ тўрлари ишлаб чиқаришда ишлатилади

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИДА ХОРИЖНИНГ ЕТАКЧИ КОМПАНИЯЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА


Жорий йилнинг 22 сентябрь куни Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича Кенгаш раиси Сахи Аннакличев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Пекин шаҳрида “China National Building Material” (CNBM) корпорацияси мутасаддилари билан қатор амалий учрашувлар ўтказди.

Давлатимиз раҳбари томонидан саноатни ривожлантиришда етакчи мамлакатлар тажрибасини ўзлаштиришга қаратилган қатор вазифалар белгиланган. Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича Кенгаш томонидан бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Нафақат Хитойда, балки дунё қурилиш материаллари саноатида пешқадам компаниялардан бири ҳисобланган “China National Building Material” корпорацияси билан ўтказилган учрашувлар ҳам икки томонлама манфаатли келишувларга бой бўлди. Корпорация президенти, жаноб Рушан Вэй Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолаб, қурилиш материаллари саноатининг жадал тараққий этаётганини кўплаб хорижий инвесторлар каби Хитойда ҳам катта қизиқиш билан қараётганини урғулади.

Ишчи гуруҳ аъзолари CNBM корпорацияси фаолияти, хусусан, хом ашё сифати, ишлаб чиқариш ва синов-лаборатория жараёнлари, кадрлар тайёрлаш ва улар салоҳиятини ошириш борасидаги ишлар билан танишди.

Қайд этиш жоиз, 40 йилдан бери фаолият кўрсатаётган CNBM корпорацияси қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда



дунёда энг йирик компаниялар сирасига киради. Йилига 525 млн. тонна цемент, 460 млн. тонна бетон, 2,3 млн. тонна то-лалли шиша, 2,2 млрд. метр куб гипсокартон ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корпорация таркибида, шунингдек, нафақат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, балки саноатнинг бошқа тармоқлари учун ҳам технология-муҳандислар тайёрлашга ихтисослашган қурилиш материаллари академияси (China building materials academy) фаолияти йўлга қўйилган. Илм даргоҳида

саноатда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда янги технологияларни яратиш устида ҳам илмий-амалий иш олиб борилади.

Хусусан, айна пайта таркибда углеводороди кам бўлган цемент (бино иншоотларнинг мустаҳкамлигини оширади ва узоқ йиллар хизмат қилишини таъминлайди) ишлаб чиқариш-ни йўлга қўйиш бўйича иш олиб борилаётгани таъкидланди.

Учрашувлар давомида CNBM корпорацияси ва унинг таркибидagi “Jushi” Co., Ltd (шиша толасидан кенг фойдаланган

ҳолда) компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантиришга қаратилган, ҳудудларда мавжуд хом ашё захираларидан келиб чиқиб, қатор қўшма лойиҳалар, жумладан, юқори маркали цементнинг янги турлари, бетон, композит материаллари, каолиндан тайёр маҳсулотлар, юқори босимга чидамли композит қувурлар ҳамда деворбоп ўтга чидамли композит панеллар ишлаб чиқариш сингари лойиҳаларни амалга оширишга келишилди.

Шунингдек, Сиджоу шаҳрида-

ги “Sinoma Design And Research Institute Of Non-metallic Minerals Industry” Co., Ltd институти билан ҳамкорлик ўрнатилди. 1959 йилда ташкил этилган институт нометалл фойдали қазилмаларни таркибини ўрганиш, уларни бойитиш ва юқори сифатли, янги турдаги, энергиятежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боради ҳамда бино иншоотларни (маъмурий, турар жой ва ишлаб чиқариш биналари) лойиҳалаштириш хизматини кўрсатади.

Жумладан, институтида саноатда кенг фойдаланиладиган графит, каолин, бентонит, нефелин, кварц куми, дала шпати, воллостонит ва шу каби 30 дан ортиқ фойдали қазилмалар таркибини ўрганиш ва бойитиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилади.

Сирасини айтганда, CNBM корпорацияси билан йўлга қўйилаётган ҳамкорлик муносабатлари мамлакатимизда қурилиш материаллари саноатида хорижий инвестициялар қўламининг ошиши, замонавий технологиялар, янги билим ва кўникмаларнинг ўзлаштирилишига замин яратади.

Ўзсаноатқурилишбанк ахборот хизмати

ПЕДАГОГ МАҚОМИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

(Боши 1-саҳифада)

Педагог ходимларнинг ҳуқуқлари, шаъни, кадр-қимматини ҳимоя қилиш масаласида ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилганида давлат божини тўлашдан озод этиш, педагог ходимни лавозим мажбурияти ва касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилишни тақиқлаш, илк бор касбий фаолият бошлаётган шахсга бир ўқув йили даврига ўқитувчи-мураббийлиқни амалга оширувчи педагог ходимни бириктириш, давлат таълим ташкилотларида илмий фаолият билан шугулланган педагогнинг базавий лавозим маошига тўланадиган устаманинг миқдорларини қонун даражасида белгилаш, давлат таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагогларни давлат томонидан ўқув қўлланмалар, бирламчи ўқув-услубий материаллар ва ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш кабилар шулар жумласидандир.

Ўқитувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳам, Маъмурий жавобгарлик тўғри-

сидаги кодексда ҳам ўз аксини топган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддасида педагогларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун жавобгарлик белгиланган. Унга қўра, шундай ҳуқуқбузарлик таълим ташкилотининг беғуби келаётган нисбатан содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллиқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўқитувчи-педагогларни мажбурий меҳнатга жалб этилиши жамиятимизнинг оғриқли муаммоларидан бири бўлиб келаётган эди. Аммо 2018 йилда Президентимизнинг ташаббуси билан бунга чек қўйилди. Бироқ ачинарлиси устаманинг миқдорларини қонун даражасида белгилаш, давлат таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагогларни давлат томонидан ўқув қўлланмалар, бирламчи ўқув-услубий материаллар ва ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш кабилар шулар жумласидандир.

Умид МАҲМАИСАЕВ, Урғут тумани Адлия бўлими Юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юристконсулти.

ҚУЗ-ҚИШ МАВСУМИ БОШЛАНМОҚДА...

Қуз-қиш мавсуми ҳам бошланмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари ва тадбиркорлик субъектларини иситишда, маиший эҳтиёжлар учун барча турдаги ёқилғи ва энергия ресурсларидан фойдаланишда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга оид қўшма қарор қабул қилинди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Яқкасарой тумани ФВБ ходимлари томонидан аҳоли турар уйлари ва корхона-ташкilotларда профилактик тадбирлар кучайтирилган ҳолда олиб борилаётган. Бу борада тарихот материалларида, аҳоли билан ўтказилаётган учрашувларда ва ОАВ орқали мунтазам оғоҳлантиришлар бериб борилапти.

Ҳурматли фуқаролар!

Шу ўринда таъкидламоқчимизки, ўзингиз ва яқинларингизнинг ҳаётини, уй-жойингиз ҳамда мол-мулкнингизни ёнғинлардан асраш мақсадида бошқа тавсиялар қатори, айрим қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Ёниб турган газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирманг, ўчоқларни ўт олдириш мақсадида бензин,

керосин, солярка каби тез аланга олувчи воситалардан фойдаланманг, ювилган кийим-кечакларни газ плитаси ёки иситиш печлари устида қуритманг, газ мосламаларини резина шланг орқали улаб фойдаланманг, электр симларини очик ҳолда, бурама ёки қаттиқ тортилган ҳолда ўтказманг, печка мўриконларига носозлик аниқланганда уларни ишлатманг, иситиш печларининг тутун йўли тегишли соҳа ходимлари томонидан текширилиши лозим.

Шу каби ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилсангиз, хонадонингиз ёнғин офатидан жабр кўрмай, ўзингиз ҳам хотиржам бўласиз.

Дилсора АБДУМАЖИДОВА, Яқкасарой тумани ФВБ П ва НБ кичик инспектори, катта сержант.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИДА БИР НОРАСИДАНИНГ УМРИ ЗАВОЛ ТОПДИ

Баъзан ҳаётда эҳтиётсизлик оқибатида бахтсиз тасодифлар ҳам рўй беради. Шошма-шошарлик эса доим панд беради.

Косонсой туманида яшовчи, беш фарзанднинг отаси, маҳалласида ташкил этилган оилавий ботча хайдовчиси бўлган Ж. Душаевнинг бошига ҳам шундай савдо тўшди. У ўз инон-ихтиёрига бўйсунмаган ҳолда икки ёшли боланин улимга сабабчи бўлиб қолди. Вафот этган бола автомашинасидан тушиб қолган бола эди...

Айбланувчи ҳар куни кечки соатларда ўзига тегишли “Дамас” русумли автомашинасида ботча тарбияланувчиларини манзилига етказиб кўяр, унинг бу хизматидан ота-оналар ҳам хурсанд, ўзи ҳам маҳалладошларига нафи тегаетганидан кўнгли чоғ эди. Лекин хайдовчи йўл ҳаракати хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни унутган эди. Олти нафар йўловчи симили автобулга бира тўла ўн беш нафар болани ўтқизиб, уйларига элтиб кўярди. Халқимизда кўза кунда эмас, кунда синади, деган нақл бежиз айтилмаган. Ҳозирги кунда айниқса,

йўлларда қоидаларга риоя қилмаслик жуда кўп кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқараётгани сир эмас. Ўша куни ҳам машина салони болаларга тўла, уларни уй-уйларига тарқатиб келаётган хайдовчи уч нафар болани уйи олдида тушириб қолдиргандан кейин йўлда давом этган. Шу пайт атрофда турган одамларнинг бақир-чақираи эшитилган. Хайдовчи машинани тўхтатиб қараса, болани уриб юборганини кўрган. Аниқланишича, автомашинадан тушиб қолган бола яна машина йўлига чиққан, хайдовчи уни кўрмай қолган.

Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Наманган филиали хулосасига кўра, боланин ўлими – бош миянинг оғир очик шикасти, бош мия лат ейиши, калла гүмбази суюқларининг ботиб синиб, асосга ўтиши каби оғир шикастланиш бўлиб, бу унинг ўлимига олиб келган. Бу ҳолатда айбдор аниқ, лекин у қасд-

дан жиноят содир этмаган. Унинг нияти одамларга яхшилик қилиш бўлган, холос. Маҳалладаги кўни-қўшиллар, хатто вафот этган боланин ота-онаси ҳам судда Ж. Душаевнинг яхши инсон эканлигини, унга нисбатан даъвоий йўқлигини, ангиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Суд ҳукми ўқилди. Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра, айбланувчи қонунда белгиланган жазога тортилди.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларимизни ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Айбдорку жазосини олди, лекин бир боланин ҳаёти увол кетди. Ота-она фарзанд доғида яшайдиган бўлди. Аслида бу воқеа содир бўлмаслиги ҳам мумкин эди-ку.

Ҳозирда хусусий ботчаларда хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, ушбу хизматлар орасида болаларни уйларига етказиб қўйиш ҳам киритилган. Бундан ота-оналар ҳам хурсанд, замонавий боғ-

чаларда чет тилларини ўргатиш, спорт ва мусиқа тўғрисида фаолият кўрсатмоқда, машғулотларга янги инновацион технологиялар жорий этилган. Бу яхши, албатта. Лекин... ҳар куни тарбияланувчиларининг ота-оналари хайдовчининг кўпгина болаларни юклаб машинада олиб юришини билмасди, дейсизми, биларди. Худуд профилактика инспектори-чи, балки бу ҳолат ҳақида вақтида уни оғоҳлантирганида бугунгидек аянчли воқеа юз бермаган бўлармиди. Атрофдагилар-чи, улар ҳам тартибга чақириб қўйса бўлмасми?

Саволлар кўп, лекин баҳоналар ҳам истаганча топилади. Демак, барчамиз бундай воқеаларга гувоҳ бўлиб қолсак, албатта, бу ҳақда жон куйдиришимиз шарт.

Абдурасул НАРЗУЛАЕВ, Жиноят ишлари бўйича Косонсой тумани суди раиси.

(Боши 1-саҳифада)

Ушбу қарор ва топшириқлар ижросини таъминлаш борасида бир гуруҳ олимларимиз томонидан тупроқ шўрланишига, қуроқчиликка чидамли, турли тупроқ шароитига мослашувчан, кўк ўғит, ем-хашак, тола, озиқ-овқат ва дори-дармон сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ноанъанавий дуқкакли экин – кроталария ўсимлиги Республикасимизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мослаштирилиб, интродукция қилинди. Кроталария туркум ўсимликларининг 600 га яқин турлари мавжуд бўлиб, 6-7 тури маданийлаштирилган. Ҳиндистон, Австралия, Африка ва бошқа тропик ва субтропик мамлакатларда тола, яшил ўғит, ем-хашак, озиқ-овқат, доривор сифатида етиштирилади.

Дуқкакли ўсимликларнинг бошқа ўсимликлардан афзаллиги улар амал даври давомида ҳаводан азот ўзлаштириб, бир қисмини ўсимлик ўзлаштирадиган формага айлантиради ва бир қисми тупроқда азот манбаи сифатида тўпланади. Бу кейинги экилган экин ҳосилдорлигига ижобий таъсир этади. Кроталария ҳам дуқкакли экин бўлганлиги сабабли илдизда туганак бактериялар тўплайди. Унинг бу хусусиятидан тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда унумли фойдаланиш мумкин.

Кроталария ўсимлиги қишлоқ хўжалигида тупроқларни экологик тозаловчи ва бегона ўтларга биологик курашувчи ўсимлик ҳисобланади. Ўсимлик аллелопатиясидан фойдаланиш бегона ўтларни бошқаришнинг диверсификацияланган стратегиясида муҳим воситадир. Кроталария экин тизимларида бегона ўтларга қарши курашда аллелопатик ўсимлик сифатида фойдаланиш учун синондан ўтган. Шунингдек, у фитотоксик ўсимлик ҳисобланиб, аллелопатик фаолият баргларида илдиз ёки пояга қараганда кўпроқ. Муҳим хусусиятларидан бири ифлосланган тупроқларни тозалаш ва зарарсизлантиришда самарали усул – фиторемедиация қобилияти ҳам мавжуд бўлиб, тупроқда кучли металл сифатида

аниқланган мисни олиб чиқиб кетади.

Кроталария нематодларни йўқотиши, қисқа муддатда азот йиғини ва биомасса тўплаши билан алмашлаб экиш тизимларида ҳам муҳим аҳамиятга эга. У донли экинлардан кейин экилганда тупроқ устини қоплаб, намлик йўқолишини камайтириши билан бирга кўп миқдорда азот ва биомасса тўплайди. Тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилаши, азот тўплаши ва бегона ўтларни йўқотиши учун шакарқамишдан кейин экиш фойдалидир. Одатда кроталария монокультура сифатида экилган ва фақат камдан-кам ҳолларда тарих, маккажўхори ва бошқа дуқкаклилар билан алмашлаб экилган.

Кейинги йилларда кроталария кўплаб экинлар билан алмашлаб экиш тизимларида кенг қўлланилмоқда. Бу ўсимликдан кейин бугдой экилганда унинг ҳосилдорлиги 10-15 фоизга ошганлиги аниқланган. АҚШ да эса пахта, Кубада кенаф билан алмашлаб экилади. У шולי, маккажўхори, сорго, тамаки, гўза билан алмашлаб экишда, шунингдек, оралик экин сифатида ананас, кофе плантациялари ва боғларда етиштирилади.

Кроталария “яшил гўн”, “кўк ўғит” сифатида етиштирилганида, экилгандан кейин 2 ой ичида хайдаб ташлаш керак. Чунки бу даврда ўсимликлар тезроқ парчалангани ва ижобий азот тўплаш мўваззанага эга бўлади ва илдизидидаги туганак бактериялари орқали тупроқ унумдорлигини оширади. Бир йил да-

вомида парваришланган далада 80-120 кг/га биологик азот, 10-12 тонна органик масса қолдириб тупроқ унумдорлигини 10-15 фоизга оширади. Кроталария гектарига 40 кг уруғ экилганда 60 кун давомида гуллашнинг дастлабки босқичида сидерат сифатида ерга хайдаб ташланганда 30-33 кг/га азот ва 1,5 т/га қуруқ органик модда ҳосил қилиши мумкинлиги аниқланган. Шунингдек, ёзда такрорий экин сифатида ўстирилганда 1,2 т/га қуруқ биомасса ҳамда 22-25 кг/га азот тўплаши мумкин. Республикасимизнинг суғориладиган майдонларидан йил давомида 2-3 марта ҳосил олиш имкониятини ҳисобга олиб, ўзининг таркибида юқори сифатли оқсил сақлайдиган ва мавжуд оқсил танқислиги муаммосини ижобий ҳал этадиган қишлоқ хўжалиги экинлари тури ва навларини тўғри танлаш жуда муҳимдир. Кроталарияни ҳам асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш мумкин. Кроталария қишлоқ хўжалигида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаши, тупроқ деградациясини камайтириши ва унумдорлигини ошириши билан бирга чорвачиликда юқори калорияли озуқа ҳамдир. Озуқа сифатида кўк массаси, қуритилган поялари ва пичани ишлатилиб, бир амал даври давомида 4-5 мартагача кўк масса ҳосили (400-500 ц/га) олиш мумкин. Пичани таркибида протеин даражаси жуда юқори бўлиб, чорвачиликда юқори калорияли ем-хашак ҳисобланади ва бу хўжалик рентабеллигига бевосита таъсир қилади.

КРОТАЛАРИЯ — МЎЪЖИЗАВИЙ ЭКИН



чиқарилади. Шунинг учун иккинчи жаҳон уруши даврида бу ўсимликка қизиқиш янаям ортган.

Кроталария ўсимлиги толаси каноп толаси сингари арқон, ип ва балиқ тўрлари ишлаб чиқаришда ишлатилади. 2000 йилларнинг охирида кроталарияга қизиқиш янада ортган, чунки унинг толаси синтетик тодаларга қараганда экологик жиҳатдан тоза ва қороғ саноати учун қимматли хомашё ҳисобланади. Толаси олингандан сўнг ёғочли новдалари ёқилғи сифатида ишлатилади. Шунингдек, қумли тупроқларда калий ва кальций етишмаганда индикатор сифатида ишлатилади.

Кроталария уруғидаги экстрактлардан тайёрланган дорилар қонни тозалашда, қатор касалликларни даволашда, ҳомила ривожланишида, туҳумдонда фоликулаларни кўпайтиришда, жигар шикастланишига қарши самарали эканлиги тажрибаларда аниқланган. Илдизи лейкоз касаллигида ишлатилади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида дон ва пичан учун экиладиган ноанъанавий дуқкакли экин кроталария ўсимлигини етиштириш агротехникаси, экиш муддатлари, меъёрлари, ўғит ва сув меъёрлари бўйича маълумотлар етарли эмаслиги сабабли, ушбу масалаларни ечими бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишлари ҳажми етарли эмасдир. Кроталария ҳар томонлама қишлоқ хўжалиги эҳтиёжини қондирадиган эканлиги ва илмий томондан тўлиқ ўрганилганлигини ҳисобга олиб, уни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш, бирламчи уруғчилигини, селекция ишларини кенгроқ ўрганиш ва такомиллаштириб бориш ҳамда натижаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш долзарб ҳисобланади.

Сурайё ҲЕГМАТОВА, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири.



“TOSHKENT SUV TA’MINOTI” MChJ ЖАМОАСИ

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан барча устозларни, захматкаш муаллимларни чин дилдан кутлайди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, муаллимнинг обрў-эътибори – бу аввало миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир.

Шу боис ҳам мамлакатимизда кейинги йилларда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича улкан ислохотлар амалга оширишмоқда.

Қадри устозлар!

Барчангизга шарафли йўлда олиб бораётган олижаноб фаолиятингизда ва шахсий ҳаётингизда янги ютуқ ва омадлар ёр бўлсин!
Хонадонларингиздан файзу барака, хурсандчилик аримасин!



Хотура

ҚАЛБИ ҚАЙНОҚ ИЖОДКОР ЭДИ

Раҳматлик Абдулла Сафоевни Хоразмда яхши инсон, қалби ёниқ журналист сифатида эслашди. Ҳақиқатан ҳам шундай эди. У таҳририятдан ўзига берилган топшириқни сидқидилдан адо этар, айниқса, тезкорлик ва ҳозиржавоблик унинг шиори эди. Ҳар бир мақолага ижодий ёндашиб, пухта ёзарди.



Абдулла ака умрининг 47 йилини журналистика соҳасига, бадиий ижодга бағишлади. Хоразмнинг Питнагидан тортиб, Гурлангача бўлган барча ҳудудларни неча марталаб айланди. Қанчадан қанча пахтақор миришқор, қурувчию тadbirkor, пиллақору чорвадорларни кашф этди. Уларни кенг газетхонлар оммасига танитди.

Абдулла Сафоев 1952 йилда қадимий ва навқирон Хива шаҳрининг Сангар маҳалласида дунёга келган. Сангар маҳалласидан жуда кўп номдор ижодкор ва санъаткорлар етишиб чиққан. Ожиза халфа, Комил Девоний... Ана шу инсонларнинг издоши эди Абдулла ака ҳам. У тинимсиз изланишлари, сермахсул ижоди билан Хоразм вилоятининг иқтидорли, талантили ва фойдий журналистларидан бири сифатида танилди. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ туман ва вилоят газеталарида, “Гулхан” журналида мақолалари, шеърлари мунтазам чиқиб турди.

газетасида адабий ходим, бўлим мудир, масъул котиб вазифаларида фаолият олиб борди. 2011 йилдан эса “Хоразм ҳақиқати” газетаси муҳбири сифатида ўз фаолиятни давом эттирди. Шунингдек, Республика “Маҳалла” газетасининг Хоразм вилояти бўйича муҳбири бўлиб ўн йилча ишлади. “Хива тонги” газетасида “Сизга сўзим кўп эди, она”, “Қалъа тилсимини очган”, “Дунё ичра дунё яратди”, “Ғунчанинг тикани”, “Хоразм ҳақиқати” газетасида “Ўйинчоқ овунчоқ эмас”, “Бола-лар бахти бозордами?”, “Бахти баркамол бахши”, “Булбуллар соғинар овозларини”, “Мени пахтазордан топасиз”, “Ўртаёвни ўртаётган муаммо”, “Миссионерлик – иллат”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Кўш соҳил булбули”, “Деразадаги нур”, “Жавобсиз қолган савол”, шунингдек, “Халқ сўзи”, “Қишлоқ ҳаёти”, “Оила ва жамият”, “Маҳалла” газеталарида босилган кўплаб мақолалари, лавҳалари, очерк ва фелъетонлари унинг серқирра ижодкор эканлигидан далолат беради. Абдулла Сафоев воҳамизнинг илгор вакиллари тўғрисида унлаб китоблар ёзди. Республикаимизнинг кўплаб нашриётларида “Сўнмас юлдузлар”, “Элим деб яшаган”, “Комил Хоразмий ва авлодлари”, “Хоразмлик тadbirkor”, “Соғиниб яшамоқ бахти”, “Кўнглим сизда-дур”, “Учмас чироқ”, “Кўнгили қаримайди”, “Хива мезбони”, “Хива гилами”, “Устоздан қолган дунё”, “Гул унган излар”, “Ҳаёт сабоқлари”, “Армонли дунё”, “Сўзи ҳикмат, умри ибрат”, “Муножат”, “Муҳаббат кўчалари”, “Гандимиён фарзанди”, “Хива зибарати” каби китоблари нашр қилинди. Мана, кўлимда сўнги ёзган китоби “Хива зибарати”. 2019 йилнинг декабрида

“Хоразм” нашриётинида чоп этилган. Унда Хивадаги архитектура ёдгорликлари ва Хивада яшаб ўтган танқиди инсонлар ҳақида ҳикоя қилинади. Китобни ўқиган киши Хивага сайёҳат қилгандек бўлади. Китобдан ижодкорнинг лавҳалари, қайдлари, шеър устозлари ўрин олган.

– Абулла акангиз китобни кўлига олиб пешонасига сурди, – дейди ижодкорнинг турмуш ўртоғи Тўхтажон опа Жуманиёзова. – Кўзига ёш қалқиди. Китобига дустларига, фарзандлари ва невараларига бериш учун дастхат битди аммо...

Абдулла ака ковидга чалиниб, 2020 йилнинг 30 сентябрида бу фоний дунёни тарк этди. Узининг серқирра ижодий фаолияти, ҳамкасблар ва ёш ижодкорларга бўлган самимий муносабати, камтарлиги, меҳмондўстлиги, изланувчанлиги, ташкилотчилиги билан катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. От изини той босар, деганларидек ўғли Умиджон бугун отаси изидан бориб, унинг ишларини давом эттирмоқда. У ҳозирги кунда Урганч давлат университетида “Факультетлараро умумтехника фанлари” кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда. Айни кунларда Умиджон “Техника олий таълим муассасалари талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш методикасини тақомиллаштириш” мавзусида докторлик ишини ҳимоялаш арафасида.

Сирасини айтганда, ижодкорнинг иккинчи умри давом этмоқда. У ҳам бўлса у ёзган китобларда ҳамда фарзандлари, шоғирдларининг камолида акс этмоқда.

Болтабой
МУҲАММАД ҚУРБОН

Эълон

2024-yil davomida, “Tuyamo'yin gidrouzelidan foydalanish boshqarmasi”ning loyiha, kuzatuv va joriy ta'mirlash-tiklash tadbirlarida ishtirok etish istagi bor korxonalar, tashkilotlar maxsus ruxsatnoma rasmiylashtirishlari uchun biometrik pasportga ega ishchi-xizmatchilar, mashina-mexanizmlar, materiallar va kerakli asbob-uskunalarining minimal ro'yxatini 05.10.2023 yilgacha (elektron varianti bilan birga) taqdim etishlari mumkin.

2024-yil davomida “Tuyamo'yin gidrouzelidan foydalanish boshqarmasi”ning loyiha, kuzatuv va joriy ta'mirlash-tiklash tadbirlarini “dxiarid.uzex.uz” va “etender.uzex.uz” saytida kuzatib borishlari mumkin

Manzil: Xorazm viloyati. Tuproqqal'a tumani Pitnak shahri.

Murojaat uchun telefonlar: 0-362-305-49-06, 0-362-305-47-79, faks: 0-362-305-49-06.



Мамлакатимиздаги донни қайта ишловчи йирик корхоналардан бири бўлган “НАВОЙДОНМАХСУЛОТЛАРИ”

акциядорлик жамияти жамоаси

барчамиз учун азизу муқаррам бўлган устозларни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан муборакбод этади ҳамда уларга мустаҳкам соғлиқ, эзгу ишларига муваффақиятлар тилайди.

Барчангизга машаққатли ва шарафли меҳнатингиз маҳсули – шоғирдларингиз камолини кўриш насиб қилсин, муҳтарам устозлар!



MAXAM-CHIRCHIQ

AMMONIY SULFAT

azot

S

Махсулот сертификатланган
№ UZ.SMT.01.080.65533977
GOST 9097-82

Манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-уй.

Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.
Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz
www.maxam-chirchiq.uz

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар!

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги

ВЕТЕРИНАРИЯ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ОЗУҚАБОП ҚЎШИМЧАЛАР СИФАТИ ВА МУОМАЛАСИ НАЗОРАТИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ветеринария ва чорвачилик соҳасида ёш авлод тарбиясига умрини бахшида этаётган барча устоз ва мураббийларни касб байрами билан самимий муборакбод этади. Азиз устоз ва мураббийлар! Эзгу мақсадлар йўлида куч-қувват, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тарк этмасин!

ЧОРВАЧИЛИК ВА УНИНГ ТАРМОҚЛАРИДА
ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Агарда ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчаларни қўллаш натижасида ҳайвон соғлиғига ёки улардан олинган маҳсулотлар сифатига ноҳўя таъсири намён бўлганда ёки шубҳаланганингизда зудлик билан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги Ветеринария дори воситалари озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича давлат илмий марказига хабар бериш ҳамда дори воситалари, озуқабоп қўшимчаларни ва озуқалардан намуналар юборишни тавсия қиламиз.

Марказга юборилган ветеринария дори воситалари, озуқа қўшимчалари ва озуқа намуналари қисқа муддатда, белгиланган тартибда сифат кўрсаткичлари ва хавфсизлиги юзасидан текширилиб, асосланган хулосалар берилади.

Шунингдек, ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчаларни техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлар тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатамиз!



Мурожаат учун манзил: 100208, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 100 уй, тел: (71)-231-91-24, (90)-808-42-49, (93)-306-78-26.

ВЕТЕРИНАРИЯ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ОЗУҚАБОП ҚЎШИМЧАЛАР СИФАТИ ВА МУОМАЛАСИ НАЗОРАТИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Бюджетга Ғ-940. 1320 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93,
95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 17.00